

PRODUCTS DETERMINING THE CHARACTERISTICS OF PRODUCTS METHODS OF USE

G. I. Temirova

Associate Professor

Sh.K. Hakimova

Doctoral Student

ABSTRACT

In addition to the wide use of natural fabric properties, clothing manufacturers improve the aesthetic appearance of clothes and thus show the benefits of natural fabric.

The extensive use of natural fur in the clothing manufacturing process improves the aesthetic appearance of clothing and at the same time demonstrates the rational use of natural fur.

The widespread use of natural fur in the manufacturing process of clothes improves the aesthetic appearance of clothing and at the same time demonstrates the rational use of natural fur.

Мўйна ярим маҳсулотини пардозлашнинг янги технологиялари пайдо бўлиши, жун қопламининг қайси усул билан ишлов берилишига, янги имитациялар, ранглар уйғунлигининг кўпайишига боғлиқ ҳолда турли хилдаги мўйна буюмларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Шу билан бирга инсон атрофидаги буюм муҳитини яратишда аҳоли ижодкорларини ва истеъмолчиларини эътиборини жалб этади [1-3].

Табиий мўйнадан тайёрланган кийимлар нафақат совуқ балки, нормал иқлимли ўлкаларда ҳам инсон гардеробидаги асосий жойни эгаллайди. Мўйна маҳсулотлари иссиқсақловчи ҳамда узоқ муддатга чидамлилиги каби афзалликларга эга бўлганлиги сабабли бу маҳсулотларга бўлган қизиқиш жуда юқори. Бугунги кунга келиб мўйна модаси шундай тезлик билан тараққий этдиб бормоқдаки, ҳаттоки мавсумдан мавсумгача бўлган оралиқда ҳам ўзгариб бормоқда. Иқлим шароитларига мос равишда бундай мўйна буюмлари йилнинг исталган вақтида кийилади.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ассортименти кенгайтиришга интилиш, мўйна саноати мутахассисларидан янги пардозлаш турларини яратиш йўналишларида доимий изланишларини тақозо этади. Мўйна ярим маҳсулотини пардозлашнинг янги технологиялари пайдо бўлиши, жун қопламининг қайси усул билан ишлов берилишига, янги имитациялар, ранглар уйғунлигининг кўпайишига боғлиқ ҳолда турли хилдаги мўйна буюмларининг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Бунда табиий мўйнанинг хусусиятларидан кенг фойдаланиш, яъни жун қоплами қалинлиги, ранг, териларнинг нақши буларнинг ўзи ҳам безак сифатида фойдаланилиб, чексиз ечимлар орқали кийимларнинг турли хил композицияларини олишга имкон яратади [4-6].

Мўйнадан тайёрланган буюмларда безак эффе́ктини олиш усуллари ва турли хил ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уларни таснифлаш турли хил белгиларига қараб амалга оширилади. Бунда мўйна буюмларини сифатини таъминлаган ҳолда, безашда қуйидаги белгиларга эътибор қаратилади. Бунда безак сифатини таъминловчи мўйна маҳсулотларини безатиш қуйидаги белгиларга қараб таснифланиши ҳисобга олинган:

- мақсадига қараб;
- тайёрлаш усулига қараб;
- матого таъсир қилиш орқали;
- бириктириш усулига қараб.

Самарали безак турлари биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг қайси босқичида вужудга келишига боғлиқ бўлиб, бундай безаклар олишда қуйидаги белгилар фарқланади: мўйна ярим маҳсулотларини тайёрлашда, яъни тери тўқимаси ва жун қопламига ишлов беришда; мўйнадан буюмлар тайёрлашда.

Олинган таснифлардан шуни кўриш мумкинки, пардозлашнинг энг кўп ривожланган марказида бўйаш жараёни ётади. Бўйашнинг мақсади турли қимматбаҳо хом ашёларнинг табиий рангини яхшилашдан иборат бўлиб, унча қиммат бўлмаган мўйна турларини имитация йўли билан рангини қимматбаҳо турга ўхшатиб яхшилаш ҳисобланади.

Мўйнадан олинadиган буюмларни тайёрлаш жараёнида ҳосил бўлган декоратив безакларга: конструктив элементлар, фурнитуралар, алоҳида мўйнали элементлардан тайёрланган ва бошқа аралаш материаллар билан тайёрланган элементлар киради. Буларнинг барча турлари яна майда гуруҳчаларга бўлинади.

Мўйнадан қизиқарли ва тежамкор безаклар олиш учун турли технологиялар қўлланилади. Оддий бичиш усули билан тайёрланган буюмларга қараганда мураккаб бичиш усулини қўллаб тайёрланган буюмлар ўзининг ташқи кўриниши билан алоҳида ажралиб туради. Шу билан бир қаторда мураккаб бичиш усуллар чоклар сонини оширишга олиб келади бу эса жун қоплами томонидан кўриниб қолишига олиб келади, шу сабабли мураккаб усул билан қирқишда паст жунли, терилар бичилмайди.

Юқорида келтирилган самарали безаш учун қўлланиладиган безакларнинг мақсади кийим ташқи кўринишини юқори даражада таъминлаб, унга кўркемлик бағишлаш ҳисобланади. Безак сифатида қўлланилиши асосан мўйнанинг турига боғлиқ бўлиб, у кийимни хизмат вазифасини белгилайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Темирова, Г. И. (2020). ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КОЛЛАГЕНСОДЕРЖАЩИХ МАТЕРИАЛОВ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ КАЧЕСТВЕННЫХ И РЕСУРСОСБЕРЕГАЮЩИХ МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ. In Всероссийская конференция молодых исследователей с международным участием «Социально-гуманитарные проблемы образования и профессиональной самореализации» (Социальный инженер-2020) (pp. 152-158).
2. Сайитова, У. С., & Темирова, Г. И. (2017). Конструктивные приемы трикотажной формы и элементы формообразования одежды. Вопросы науки и образования, (2 (3)), 37-39.
3. Temirova, G. I., Tashpulatov, S. S., & Cherunova, I. V. (2018). PRODUCTION TECHNOLOGY FROM NATURAL POWER ON THE FULL-TERMOLOGICAL TECHNOLOGY. In The latest research in modern science: experience, traditions and innovations (pp. 44-48).
4. Temirova, G. I., & Tashpulatov, S. S. (2018). AN ANALYSIS OF ART DECORATION USED IN SEWING ITEMS. In The latest research in modern science: experience, traditions and innovations (pp. 41-44).

5. Темирова, Г. И., et al. "Перспективные направления использования коллагенсодержащих материалов при изготовлении изделий различного ассортимента." Научно-технический журнал Наманганского инженерно-технологического института 1 (2020): 63-67.
6. Темирова Г.И., Субхонова И.И., Кудратов Ш. 2022. СПОСОБЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ КОЛЛАГЕНА В ПРОИЗВОДСТВЕ МЕХОВЫХ ИЗДЕЛИЙ. Международный междисциплинарный исследовательский журнал Galaxy . 10, 1 (январь 2022 г.), 426–430.